



## THE PROBLEM OF POVERTY IN ISLAM AND THE PECULIARITIES OF APPROACHES TO ITS REDUCTION

**Nozimjon K. Kholmurodov**

*Researcher*

*Bukhara State University*

*Bukhara, Uzbekistan*

---

### ABOUT ARTICLE

---

**Key words:** Poverty, poverty, zakat, voluntary alms, mutual solidarity, almsgiving, "Sadaqai joriya", charitable public fund, zihar, zihar kafforati, fitr sadaqa, bazzoz, qaffol, zajjor.

**Received:** 12.05.22

**Accepted:** 14.05.22

**Published:** 16.05.22

**Abstract:** Islam commands those who can afford to work and strive to earn enough to provide for themselves and their families. Those who are unable to work, as well as those who have not acquired anything materially on the basis of inheritance law, and who do not have the means to cover their needs, attach their wealthy relatives to them and impose a pension obligation on them. However, not all the poor have rich relatives. Islam does not ignore such desperation. Allah has commanded the rich to give to the poor out of their wealth. This is an undeniable ruling and it is called zakat. The greatest purpose of making zakat obligatory is to make the poor rich.

---

**ИСЛОМ ДИНИДА КАМБАГАЛЛИК МУАММОСИ ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШ  
БҮЙИЧА ЁНДАШУВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Нозимжон К. Холмуродов**

*Тадқиқотчи*

*Бухоро давлат университети*

*Бухоро, Ўзбекистон*

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Ночорлик, камбағаллик, қашшоқлик, закот, ихтиёрий садақалар, ўзаро ҳамжиҳатлик, инфок-эҳсон, «Садақаи жория», хайрия жамоат фонди, зихор, зихор каффорати, фитр садақаси, бazzоз, қаффол, зажжож.

**Аннотация:** Ислом дини имкони бор кишиларни ишлашга, ўзи ва оиласи учун етарли даражада ризқ топишга сайд-харакат қилишга буюради. Ишлашга имконияти йўқ, шунингдек, мерос ҳуқуқи асосида бирор моддий нарсани қўлга киритмаган, бисотида эҳтиёжини қопладиган маблағга эга бўлмаган кишиларга бой қариндошларини бириткириб қўяди ва уларга нафақа мажбуриятини юклайди. Лекин, ҳамма камбағалнинг ҳам бой қариндоши бўлавермайди. Ислом дини бундай чорасизларни ҳам назардан четда қолдирмаган. Аллоҳ таоло бой кимсаларга мол-дунёларидан камбағаллар ҳақини беришга буюрган (фарз қилган). Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳукм ҳисобланади ва у закот дейилади. Закот фарз бўлишидан энг катта мақсад камбағалларни бой қилишдир.

## ПРОБЛЕМА БЕДНОСТИ В ИСЛАМЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДХОДОВ К ЕЕ СОКРАЩЕНИЮ

**Нозимжон К. Холмуродов**

*Исследователь*

*Бухарский государственный университет*

*Бухара, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Бедность, нищета, закят, добровольная милостыня, взаимная солидарность, милостыня, "Садакай джория", благотворительный общественный фонд, зихар, зихар каффорати, фитр садака, бazzоз, каффол, зайжой.

**Аннотация:** Ислам повелевает тем, кто может позволить себе работать и стремиться зарабатывать достаточно, чтобы обеспечить себя и свою семью. Нетрудоспособные, а также ничего не приобретшие материально на основании наследственного права и не имеющие средств для покрытия своих нужд, прикрепляют к ним своих состоятельных родственников и возлагают на них пенсионную обязанность. Однако не у всех бедняков есть богатые родственники. Ислам не игнорирует такое отчаяние. Аллах повелел богатым давать бедным из своего имущества. Это неоспоримое правило, и оно называется закят. Величайшая цель обязательного закята — сделать бедных богатыми.

### КИРИШ

Ислом динида инсонни ночорлик гирдобидан халос қилиш, камбағаллик, қашшоқликнинг доимий раҳна солишидан қутқариш, унинг хотиржам, фаол ва баҳтли яшашини таъминлаш учун бешта муҳим тамойил асосий ёндашув сифатида келтирилган. Жумладан, Қуръони каримда ночорликдан халос бўлиш учун энг муҳим ва бирламчи ёндашув бу меҳнат қилиш ҳисобланади. Шунингдек, қариндошлиқ ҳақлари, закот, закотдан ташқари мажбуриятлар, ихтиёрий садақалар ва шахсий эҳсонлар инсонни камбағалликдан қутқаришнинг йўллари сифатида белгиланган.

Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, одамлар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлаш, камбағалликни қисқартириш, уни иймон-эътиқод софлиги, одоб-ахлоқ тамойиллари ҳамда оиласвий аҳилликка зиён қилмаслиги бўйича Ислом динида бир қатор йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом маърифати жамият аъзоларини хаётда мўътадил яхшилари, уларнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатларга лаёқатидан қатъий назар барча неъматлар инсон учун хизмат қилиши муҳим деб билади. Озиқ-овқат, турар жой, кийим-кечак, касбу кор,

оила қуриш, рўзгор юритиш бўладими, барчасида ўзаро биродарлик ва ҳамжиҳатликни кўллайди.

Инсон учун муносиб ҳаёт тарзини шакллантириш мақсадида Ислом динида бир қатор ёндашувлар амал қилган. Жумладан, биринчи навбатда ҳар бир кишига Оллоҳнинг беражак ризқини топиш учун имкон қадар интилишни буюради: «*У (Оллоҳ) сизлар учун ерни хокисор-бўйсунгувчи қилиб қўйган Зотдир. Бас у (ер) нинг ҳар томонида (сайрасаёҳат қилиб ё тижкорат билан, ёки деҳқончиликни касб қилиб) юраверинглар ва (Оллоҳнинг берган) ризқ-рўзидан енглар*». Мазкур оят инсонни бевосита амалий фаолиятга чорлайди ва ҳаётда ўзига керакли нарсалардан баҳраманд бўлиши учун зарур бўлган вазифаларни бажаришга чорлайди.



## Ислом динида камбағалликни қисқартириш бўйича ёндашувлар:

**Биринчи ёндашув.** Куръони каримда начорликдан халос бўлиш учун энг муҳим ва бирламчи ёндашув меҳнат қилиш хисобланади. «У: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сиз учун ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилиди ва унга сизларни одобигиги учун қўйди”, деб айтди». Худ сураси, 61-оят.

**Иккинчи ёндашув.** Ислом дини қариндошлик ҳақларига катта аҳамият қаратади. Силаи раҳим-муҳтоҷ қариндошга нафака беришdir. “Албата, Аллоҳ адолатта, эҳсонга қариндошларга яхшилик қилишга амр этади”. Наҳд сураси, 90-оят.

**Учинчи ёндашув – закот. Фитр закоти.**

**Тўртичи ёндашув. Закотдан бошқа мажбуриятлар:**

1. Қўшничилик ҳақи. 2. Қурбон ҳайитидаги қурбонликлар. 3. Қасамни бузганлик учун тўлов. 4. Зиҳор каффорати. 5. Рамазон ойида кундуз куни ўз аёлига яқинлик қилган кишининг тўлови. 6. Рўза тутишга имкони йўқлар берадиган тўлов. 7. Ҳаж ёки умра пайтидаги хатолик учун тўланадиган чорва ҳайвони. 8. Ҳосилдан бериладиган ҳақ. 9. Қанбагал ва йўқсилларнинг бошқа ҳақлари.

**Бешинчи ёндашув. Ихтиёрий садақалар ва шахсий эҳсонлар.**

**Биринчи ёндашув.** Куръони каримда начорликдан халос бўлиш йўли меҳнат қилиш деб белгиланади. Оллоҳ Куръонда ер юзини обод қилишликни буюради. Жумладан, Куръони каримда Солиҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмига айтган қисқа сўзлари келтирилади: «Самут қабиласига ўз биродарлари Солиҳни (пайғамбар қилдик). У айтди: «Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У сизларни ердан пайдо қилиб, унга жойлаштиради. Бас, Ундан мағфират сўранглар ва Унга товба-тазарух қилинглар. Албатта, Парвардигорим яқин ва (дуоларни) ижобат қилувчидир».

Ислом дини ҳар бир инсонга ўзининг қобилияти ва имкониятидан келиб чиқиб ўзи хоҳлаган касб билан шуғулланиши мумкинлигини буюради. Инсондаги ихтиёр эркинлиги Ислом динида ҳам таъминланган бўлиб, бирор киши ўзи хоҳламаган ишга мажбур

қилинмайди. Ҳар бир киши ўзи танлаган касбни бажариши, аммо бошқалар, шунингдек жамият аъзолари бундан зарар кўрмаслиги лозим.

Меҳнат қилган инсон катта имкониятларга, ажру савобларга эга бўлади ва асосий эҳтиёжларига, оиласвий сарф-харажатларига етарлича маблағни кўлга киритади. Бу кўрсатмаларга амал қилиб, меҳнат қилган кишининг саъй-ҳаракатлари бекор кетмайди. Меҳнатнинг мукофоти ва роҳатини бу дунёда ҳам кўради.

«Мен Оллоҳга таваккал қилганман» деб айрим кимсалар қўлларини совуқ сувга ҳам урмайдилар ва ризқни осмондан тушишини кутадилар. Оллоҳга таваккал қилиш, бу меҳнат қилмасдан, сабабларни бажармасдан ўтириш, дегани эмас. Набий алайҳиссалом Оллоҳга таваккал қилиб, туясини яйловга қўйиб юборган сахройи арабга: «Аввал уни боғлаб, кейин Оллоҳга таваккал қил», деб буюрганлар.

Шақиқ Балхий раҳматуллоҳи алайҳ тижорат мақсадида йўлга отланади ва сафари узоққа чўзилишини ҳисобга олиб, нарсаларини тақводор ва зоҳид дўсти Иброҳим ибн Адҳам раҳматуллоҳ ҳазратларига омонат қолдиради. Лекин кўп ўтмай Шақиқ Балхий сафардан қайтиб келади. Бу пайтда Иброҳим ибн Адҳам ҳазратлари масжидда ўтирган бўлади. «Нега бунча эрта қайтдинг?» деб сўраганларида Шақиқ Балхий «Сафарда бир ажойиб ҳолат юз берди» дейди. «Яхшиликка бўлсин, нима бўлди ўзи?» деб сўрайдилар Иброҳим ибн Адҳам. Шақиқ Балхий: «Йўлда бироз дам олиш учун четга чиқдим. Қарасам, у ерда бир чалажон, кўзлари кўр қуш ётар эди. Ҳайрон бўлиб ўзимга ўзим «Бу қуш юра олмаса, кўра олмаса, бундай жойда қандай қилиб жон сақлаяпти экан?» дедим. Кўп ўтмай бир қуш унга таом кўтариб келди ва бу ҳаракатини кун бўйи бир неча маротаба такрорлади. Кейин ўзимга ўзим: «Шундай жойда бу қушни ризқлантириб қўйган Зот менга ҳам ризқ беради», дедимда ортимга қайтдим», - дебди.

Шунда Иброҳим ибн Адҳам раҳимаҳуллоҳ бундай дедилар: «Эй Шақиқ, нега бирорвларнинг қўлига қараб қолган қушнинг йўлини тутдинг? Нима учун ўзига ҳам, бошқаларга ҳам нафи тегадиган қушнинг йўлини танламадинг? Берувчи қўл олувчи қўлдан яхши эканини билмайсанми?»

Шунда Шақиқ ўрнидан туриб ҳазратнинг қўлларидан ўпиб ва «Эй Абу Исҳоқ, сиз бизнинг ҳақиқий устозимизсиз», дебди ва яна сафарга отланибди.

Айрим кишилар қуйидаги ҳадисни ўзларига асос қилиб оладилар: **«Агар Оллоҳга ҳақиқий таваккул қилсангиз сизларни ризқлантириб қўяди. Худди, тонгда оч кетиб, кечаси тўқ қайтиб келадиган қушни ризқлантиргандек»**. Бунда аслида ўша қушнинг тўқ қайтиб келиши учун эрталаб ризқ талабида чиқиб кетиши шарт қилинмоқда. Бу ҳадисда ризқ топиш учун саъй-ҳаракат қилиш кераклиги таъкидланяпти.

Пайғамбаримиз нафақат меҳнатни тарғиб қилиш балки ўзлари ҳам меҳнат қилиб, барчага намуна бўлганлар. «Оллоҳ юборган барча пайғамбарлар қўй боққанлар». Ул зотдан: «Сиз ҳамми, эй Оллоҳнинг Расули?» дея сўраганларида «Ҳа, Макканинг яйловларида қўй боққанман», дея жавоб берганлар. «Киши ейдиган энг яхши таом қўл меҳнати эвазига келганидир. Оллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз қўл меҳнати эвазига таом еган».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан қуидаги ҳадис ривоят қилинади: «Довуд алайҳиссалом темирчи, Одам алайҳиссалом дехқон, Нуҳ алайҳиссалом дурадгор, Идрис алайҳиссалом чевар ва Мусо алайҳиссалом чўпон бўлган».

Ислом оламининг энг кўзга кўринган, илмда етакчи бўлган олимларнинг кўпчилигини исми ёнида ўзининг ҳунари ҳам зикр қилиниши бежиз эмас. Масалан, Баззоз (мато фуруш), Қаффол (кулфсоз), Зажжож (ойна соловчи) каби.

Баъзилар ўзлари яшайдиган жойларида иш тополмасликларини баҳона қилиб ишламай юрадилар. Яқинлари, маҳалласи, ёру биродарларини ташлаб кетишга кўзлари қиймайди. Бекорчи, ишсиз бўлса ҳам иш излаб чиқишини хушламайдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафар қилинг, ризқингиз кенг бўлади», деганлар. Оллоҳ таоло Қуръани каримда марҳамат қиласи: **«Ким Оллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгувдек жойларни ва кенгчиликни топгай»; «...бошқалар Оллоҳнинг фазл-марҳаматидан (ризқ-рўз) истаб ер юзида (яъни унинг турли томонларига) сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Оллоҳ йўлида жангга чиқиб кетишларини билди».**

Ислом дини кишиларни тиланчилик қилишдан қайтарган. Ҳадисда «Тиланчилик қилиб ўтган киши қиёмат куни юзида фақат эти қолган ҳолатда бўлади», дейилган. Имом Газзолий раҳимаҳуллоҳ меҳнат қилиш кераклиги ва унинг турлари ҳакида гапириб, бундай деди: «Айрим касблар борки, инсон маълум даражада шу соҳада билимга эга бўлгандан кейингина унга киришиши керак. Бошида қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Одамлар бунга унча эътибор бермайдилар. Ишқибоз бўлиб бир ишни бошлаб, билим етарли бўлмагач уни ташлаб кетади. Ёки бирор тўсиққа учраб, ишни тўхтатиб қўяди. Оқибатида эса, бошқаларнинг ҳисобидан кун кўришга мажбур бўлади. Натижада ўғирлик ва гадойлик каби иккита разил ҳунар пайдо бўлади. Ҳар иккиси ҳам бирорнинг ҳисобидан кун кўриш ҳисобланади. Сўнра бу икки тоифадагилар бирор ҳийла ўйлаб топа бошлайди. Ўғри атрофига ёрдамчилар тўплайди ва катта кучга айланади. Тўда-тўда бўлиб йўлтўсарлик қиласи».

Гадой бўлса, бошқалардан тиланади. Унга одамлар «Ишласанг бўлмайдими? Нимага дангасалик қиласан?» дейди ва ҳеч нарса беришмайди. Кейин қандай қилиб пул топиш

мумкинлиги ҳақида ўйлайди ва ўзининг бекорчилигини оқлаш учун баҳона ҳам қидиради. Касалманд фарзандини ё аёlinи баҳона қилиб ёрдам пули олишга ҳаракат қилади. Ҳатто ўзини ёлғондан касалманд қилиб кўrsатади.

Яна бошқалар бор. Фол очиш билан шугулланиб, одамларга насиҳат қилгандек бўлади. Гадойчиликнинг шунга ўхшаш икки минг хил тури мавжуд». Имом Ғаззолий яна бундай деганлар: «Бу икки хунар эгалари одамларнинг пулларини ноҳақ йўл билан топишга интилади. Уларнинг ҳийлалари ақлга ҳам, Исломга ҳам тўғри келмайди. Фақат шайтоний қонунларга тўғри келади».

Сунан эгалари Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қўйидаги ҳадисни ривоят қилишган: «Ансорлардан бири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига ёрдам сўраб келди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам «Уйингда ҳеч нарсанг йўқми?» деб сўрадилар. У «Бор. Битта тўқми бор. Баъзан киямиз, баъзида тўшаймиз. Яна битта идиш бор. Унга ичадиган сувимизни соламиз», деди. «Бор уларни олиб кел», дедилар. Уларни олиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қўлларига олдиларда, «Ким шу иккита нарсани сотиб олади?» дедилар. Бир киши «Икки дирҳамга мен оламан», деди. Нарсаларни унга бердилар. Икки дирҳамни олиб, ҳалиги ансорийга тутқаздилар ва «Биттасига оиласига учун егулик сотиб ол. Қолганига теша олиб, олдимга кел», дедилар. У қайтиб келгач, пайғамбаримиз уни қўллари билан ўзларига қаттиқ тортиб: «Тоққа чиқиб ўтин ўриб, сотгин. Ўн беш кунгача сени бу ерда кўрмай», дедилар.

Ҳалиги одам кетиб, ўтин йиғиб уларни сотди. Муддат тугагач келди. Қўлида ўн дирҳами бор эди. У пулларга кийим-кечак ва таом сотиб олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Шу ҳолатинг қиёмат куни юзинг доғ бўлганидан кўра яхшироқдир. Тиланчилик қилиш уч тоифа учунгина ҳалол: тупроққа белангандай йўқсилга, қарзга ботган бечорага ёки ўлим учун хун тўлашга мажбур бўлган кишига», дедилар. Ушбу ҳадиси шарифдан билишимиз мумкинки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёрдам сўраб келган ансорийга закотдан улуш ажратмадилар. Чунки у ишлаб пул топишга лаёқатли эди. Ҳеч қандай ёндашув топилмагандагина унга улуш ажратилса бўлади. Қолаверса, мўмин киши бундай вазиятда имкони борича биродарини ҳалол касбга йўллаб қўйиши ва меҳнат қилишга ундаши керак экан.

Ислом динида тиланчилик муаммоси вақтинчалик ёрдам билан ҳал қилинмаган. Тиланчиликдан қайтариш насият қилиш билан ҳам чекланмаган. Аксинча, унинг қўлидан тутиб, унга нажот йўли кўрсатилган. Пайғамбаримиз берган кўрсатмаларига амал қилган ҳолда тиланчиликни ёмонлайвермасдан, биринчи ўринда уни ҳал қилишга интилиб, ишсизларга иш топиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Ҳар бир мусулмон киши ризқ топиш учун саъй-ҳаракат қилиши лозим. Танланган касби дәхқончиликми ёки ишлаб чиқаришми ё тижоратми фарқи йўқ. Муҳими инсонларга манфаати тегсин. Ҳунарлик киши бошқаларга қарам бўлиб яшамайди. Ўзини ҳам, оиласини ҳам бировларнинг ёрдамига муҳтож қилмайди. Ишсиз, меҳнатга лаёқатли кишиларга иш топишларида кўмаклашиш, бунда Оллоҳ таолонинг **«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз. Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз. Оллоҳдан қўрқингиз. Шубҳасиз, Оллоҳнинг азоби қаттиқдир»**, деган кўрсатмаларига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Айниқса, мусулмон раҳбар ишсизларга имкон қадар ёрдам бериши лозим. Тараққиёт учун бирлашиб ҳаракат қилиши, бунинг учун бор моддий ва маънавий имкониятлардан унумли фойдаланиши, камбағалликни қисқартиришга интилиши керак. Аввало, ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим ва иқтисодий аҳволни яхшилаш чораларини кўриш керак. Айнан шу нарсалар камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Иккинчи ёндашув. Ислом дини қариндошлиқ ҳақларига катта аҳамият қаратади.** Қуръони карим ва ҳадисларда яқинлар ўзаро бир-бирларига яхшилик қилишлари лозимлиги таъкидланган, силаи раҳм қилишга буюрилган. Бу кўрсатмаларга амал қилмаганлар учун дунёю охиратда қаттиқ азоблар борлигидан огоҳлантирилган. Қуръони Каримда қўйидагича зикр қилинган: «**Албатта, Оллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуклик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панду-насиҳат қилур».**

**Силаи раҳм - муҳтож қариндошга нафақа беришдир.** Ибн Қаййим ҳазратлари: **Биринчиси**, агар акаси оч бўлса, амакиси бошяланг, кийимсиз бўлса, яна бошқа бир томонда она ўрнида қўриладиган холаси ночор аҳволда бўлса, бу ҳолатлар қариндошлиқ ришталарини узиш билан баробар. Бундан ҳам каттароқ гуноҳ бўладиган алоқалар узилиши бўлиши мумкинми?! Булар айримлар айтаётган риштани узиш бўлмаса, бошқа нималар ришта узиш ҳисобланишини билмадик..! **Иккинчиси**, хўш унда шариат буюрган силаи раҳм нима? У бегоналарга қилинадиган яхшиликдан қандай фарқ қиласди?

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида опа-сингил ва ака-укалар ота-она билан ёнма-ён келтирилган. Хўш, ҳадиси шарифнинг ярмини вожиб, ярмини эса мустаҳабидир деб ким айтган?

Мусулмон уламолари бир овозда бундай тўхтамга келишганки, эр ўз аёлининг нафақаларини тўлашга мажбурланади, отага эса, ёш ўғли ҳамда қизларининг нафақаси юклатилади. Ўз ўрнида ўғил ҳам ота-онасининг нафақаларига жавобгар саналади.

Уламолар ўртасида киши яна қайси яқинларининг нафақасига жавобгар бўлади, деган масалада турли қарашлар мавжуд.

Бу масалада кенг қамровли йўналишлардан ҳанафий ва ҳанбалий мазҳабни келтиришимиз мумкин. Ибн Қайим ҳам шу икки мазҳабни қувватлаб, уларга Қуръон ва суннатдан далиллар келтирган.

Абу Довуд Сунан асарида Кулайб ибн Манфаъа Ҳанафийдан ривоят қилишича, унинг бобоси келиб: «Эй Оллоҳнинг Расули, кимга яхшилик қиласай?» деб сўраганларида, у зот: **«Онангга, отангга, опа-сингил, ака-уканг, кейин нафақаси вожиб якин қариндошларингга яхшилик қилиш вожибдир. Қолган яқинларга ҳам силаи раҳим қил»,** деб буюрдилар.

**Исломда қариндошга нафақа белгилашда қўйиладиган талаблар.** Нафақа вожиб бўлиши учун уламолар икки асосий шартлар топилиши кераклигини айтганлар. **Биринчиси,** камбағал киши ҳақиқатда муҳтож бўлган тақдирда, чорасиз қолганларга кўмаклашиш мақсадида жорий қилинган. **Иккинчиси,** нафақа мажбурияти юклатилган киши берадиган ёрдам ҳам ўзининг ва оиласини боқищдан орттирган бўлиши зарур. Бошқача айтганда, нафақа бериб ўзи ҳам нафақага муҳтож бўлиб қолмаслиги лозим. Пайғамбаримиз **«Аввал ўзингдан бошла, кейин оила аъзоларингдан»,** деганлар.

**Учинчи ёндашув – закот.** У нима учун фарз қилинган. Ислом дини имкони бор кишиларни ишлашга, ўзи ва оиласи учун етарли даражада ризқ топишга саъй-ҳаракат қилишга буюради. Ишлашга имконияти йўқ, шунингдек, мерос ҳукуқи асосида бирор моддий нарсани қўлга киритмаган, бисотида кишиларга бой қариндошларнинг бириктириб қўяди ва уларга нафақа мажбуриятини юклайди. Лекин, ҳамма камбағалнинг ҳам бой қариндоши бўлавермайди. Оллоҳ таоло бой кимсаларга мол-дунёларидан камбағаллар ҳақини беришга буюрган. Бу ҳукм закот дейилади. Закот фарз бўлишдан энг катта мақсад камбағалларни бой қилишdir.

Закот, аввало, камбағал, йўқсилларга тарқатилади. Ҳатто Пайғамбаримиз айrim вақтлар фақат шу икки тоифанигина санаган эканлар. Масалан, Муоз розияллоҳу анхуни Яманга юборганларида, бойлардан закотни олиб, камбағалларга тарқатишни буюрганлар. Ҳанафий мазҳабида ҳам закот фақат камбағалларга берилади.

**Закот тизими камбағаллик муаммосини ҳал қилишнинг энг кучли чораси ҳисобланади.** Закот деганда фақат арзимас улушларни тушунмаслик керак. Чунки экин экиладиган ер ҳосилининг ўндан бири ёки йигирмадан бири берилиши ҳам закот аслида. **«Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз!».**

**Фитр садақаси.** Фитр садақаси закотнинг бир тури бўлиб, у жон солиги саналади. У рамазон рўзасининг тугаши ҳамда ҳайит байрами муносабати билан жорий қилинган. Фитр садақасининг иккита ҳикмати бор. Бири рўза тутган киши бекорчи гап-сўзларни гапирган бўлиши мумкин, бунда фитр садақаси жарима ўрнида ўтади. Иккинчиси, ҳайит кунида мусулмон жамиятига мос равишда камбағалларнинг хонадонларига ҳам хурсандчилик киритиши. Ибн Аббос розияллоҳу анхумо «Рўзадор гапирган бекорчи гап-сўзлардан покланиш ва мискинларга таом бўлиш учун Расулуллоҳ фитр садақасини фарз қилдилар», деб айтган. Фитр садаканинг ўзига хос жихатлари шундаки, фитр садақаси бойлик миқдорига қараб эмас балки, одамлар сонига қараб белгиланади. У закот каби фақат нисобга эга бўлган бойларга эмас, балки барча учун мажбурийдир. Пайғамбаримиз уни қулга ҳам, ҳурга ҳам, эркагу аёлга ҳам, бою камбағалга ҳам мажбурий этиб белгилаганлар.

Кишини кенгчиликда ҳам, қийинчиликда ҳам эҳсон қилишга одатлантириш Ислом динининг низомидир. Ҳатто, закот олишга ҳақли бўлган камбағаллар ҳам бу ўринда садақа қилсалар, бошқа томондан ўzlари ҳам нафақа ва закот оладилар.

**Хадисда «Фитр садақаси туфайли Оллоҳ бойларни покласа, камбағалларга ўzlари берганидан ҳам зиёдасини қайтариб берди».** Мазкур масалада Ҳанафий мазҳабидагина, фитр садакси барча мол-мулкини ҳисоблаганда нисобга эгалик қиладиганлар учун бурч ҳисобланади.

Фитр садақасини киши фақат ўзи учун эмас, вояга етмаган фарзанди ва қўл остидагилар учун ҳам беради. Унинг миқдори озлиги сабабли уни деярли ҳар қандай одам бемалол адо эта олади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр миқдорини бир соъ хурмо ёки бир соъ майиз ё бўлмаса бир соъ буғдой этиб белгилаганлар. Бу нарсалар деярли барчанинг уйида топилади. Бир соъ ўртача қўл билан ўлчангандა тўрт ҳовуч чамасида бўлади. Тахминан 2,5 кг буғдой ҳисобида.

Закот Ислом динида арзимас, иккиламчи масала эмас. Аксинча, закот диннинг устунларидан бири саналади. Оллоҳ таоло закотни одамларнинг молларидаги камбағалларнинг ҳақлари сифатида кафолатлаган. Қуръони каримда «**Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Оллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (исломга) ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишган, қарздор кишиларга ва Оллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга ёки ҳажга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофиirlарга берилур. Оллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир**», деб марҳамат қилинади.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анху бундай дер эдилар «**Берсангиз бирйўла камбағалликдан фориғ қилинглар**». Мўъминларнинг амири бойларни камбағалларга

фақат қорнини тўйдирадиган нарса эмас, камбағалликдан қутқарадиган ёрдамларини кўрсатишга ундар эдилар.

**Тўртингчи ёндашув закотдан бошқа мажбуриятлар.** Ислом динида мусулмон кишининг зиммасида закотдан ташқари молиявий мажбуриятлар ҳам бор.

**1. Қўшничилик ҳақи.** Оллоҳ таоло қўшничилик ҳақларига риоя этишга буюрган. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу васалламнинг суннатларида ҳам кўриш мумкин. Қўшнини иззат-икром қилиш мўминлик белгисидир. Унга озор бериш, ҳолидан хабар олмаслик динга зид ҳисобланади. «**Оллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмаганлар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруг, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз!**». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «**Ким Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисини иззат-икром қилсин**», - деб йтадилар.

**2. Қурбон ҳайитидаги қурбонликлар.** Ҳанафий мазҳабига кўра қурбонлик қилиш бой киши учун вожиб амаллардан ҳисобланади. Бунга ушбу ҳадиси шариф, яъни «**Ким бой бўла туриб қурбонлик қилмаса, намозгоҳимизга яқинлашмасин**» далил бўлади.

**3. Қасамни бузганлик учун тўлов.** «**Бас, унинг каффорати ўз оиласизни боқадиган ўртacha таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қул озод қилишдир**».

**4. Зихор каффорати.** Киши ўз хотинининг аврат жойларини ўз онасига қиёсласа то жаримасини тўламагунча эр-хотинлик ришталари узилган ҳисобланади. Жаримаси эса қул озод қилиши. Бунга имкон бўлмаса, икки ой кетма-кет рўза тутиб беради. Бунга ҳам имкони бўлмаган киши олтмишта мискиннинг қорнини тўйдирди.

**5. Рамазон ойида кундуз куни ўз аёлига яқинлик қилган кишининг тўлови.** Бу тўлов ҳам зиҳорники билан бир хил. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга буюрганлар.

**6. Рўза тутишга имкони йўқлар берадиган тўлов.** Рўза тута олмаган кексалар, тузалиши умиди йўқ bemorлар, рўза тута олмаган ҳар кунлари учун бир мискинни қорнини тўйдирадиган таомни эҳсон қиладилар. Қуръони каримда «**Кексалик ёки заифлиги сабали рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин бечоранинг бир кунлик миқдорида эваз тўлашлари лозим**», деб хукм қилинган.

**7. Ҳаж ёки умра пайтидаги хатолик учун тўланадиган чорва ҳайвони.** Оллоҳ таоло қуйидагича марҳамат қилган: «**Эй мўминлар, ихромда бўлган чоғингизда бирон овни ўлдирманг! Сизларнинг орангиздан ким қасддан бирон овни ўлдирса (унинг зиммасида) чорва молларидан ўлдирган ови баробарида жазо бордирки, у Каъбага**

**етиб боргувчи ҳадя бўлиб, унга ўзларингдан икки адолат эгаси ҳакамлик қилур. Ёки (унинг зиммасига) каффорат – (ўша овнинг қиймати баробарида) мискинларга таом бериш ё ўз ишининг зиёнини тотиб кўриши учун шунинг (яъни ўша қийматнинг) баробарида рўза тутиш бордир».** Шунингдек, «**Ҳаж ва умрани Оллоҳ учун комил суратда адо қилинг!** Агар (касаллик ёки йўлтўсарлар сабабли) йўлингиз тўсилиб қолса, мұяссар бўлган бирор ҳадя юборинг ва ҳадянгиз ўз жойига этиб бормагунча бошларингизни (соchlарингизни) қирқманг!».

Курбонликлар камбағалларнинг қорнини тўйдириш учун жорий қилинган. Курбонлик қилмасдан, унинг қимматини беришга рухсат йўқ. Чунки, Қуръонда «**Бас ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам едириинглар**», шунингдек, «...қаноатли кишига ва (муҳтоҷ) тиланчига ҳам едириинглар. Шукр қилишларингиз учун Биз уларни (яъни туя-молларни) сизларга бўйсундирдик», деб келтирилган.

**8. Ҳосилдан бериладиган ҳақ.** Оллоҳ таоло амр этган «**У (сўритокларга) кўтарилиувчи ва кўтарилимайдиган боғларни, хурмозорлар ва меваларни хилма-хил бўлган экинларни (барглари) бир-бирига ўхшаган ва (мевалари эса) ўхшамаган зайдун ва анорларни яратган зотдир. Мевалангандан мевасидан енглар, ўрим-терим кунида (бечора-мискинларга) ҳақини беринглар ва исроф қилманглар!**».

**9. Камбағал ва йўқсилларнинг бошқа ҳақлари.** Оллоҳ таоло камбағалларнинг таъминотини бошқа томондан ҳам кафолатлаб қўйган. Агар закот ёки солиқлардан тушган маблағлар етарлича бўлмаса ё тугаб қолган тақдирда, бу муаммо бошқа йифимлар эвазига қопланиши белгиланган. Имом Термизий ривоят қилган ҳадиснинг бирида Фотима бинти Қайси розияллоҳу анҳо бундай деган: «Расулуллоҳу алайҳи васалламдан закот ҳақида сўрадим. У зот «**Молда закотдан ҳам бошқа ҳақлар бор**», дедилар ва ушбу оятни тиловат қилдилар: «**Юзингизни Машриқ ёки Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Оллоҳга, охират қунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга, иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уругларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофиirlарга, тиланчи-гадолар ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил қунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир.** Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводордирлар».

Бешинчи ёндашув ихтиёрий садақалар ва шахсий эҳсонлар. Юқоридаги мажбуриятлар, қонун-қоидалардан ташқари Исломда кўрсатмалари борки, сахийлик, қўли

очиқлик каби ижобий сифатларга асосланади. Бу кўпроқ ихтиёрийликка асосланган эсонлардир. Инсон нафақат ёрдам сўралганда ёки мажбурият юклатилганда, балки ўз ихтиёри билан хоҳлаган пайтда хайр-саховатни амалга ошириши, ўзига юклатилган мажбуриятдан кўпроқ бериши мумкин. Ихтиёрий садақаларни хоҳласа, бирорга билдиримай, хоҳласа ошкора бажариш мумкин. Инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида бошқаларни ҳам ўзидек кўрадиган, ҳатто ўзидан ҳам устун кўрадиган тоза қалбли кишилар чин кўнгилдан одамларга яхшилик қиласидилар.

**Куръони каримда «Оллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Олоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса. Ҳолбуки, (рисқингизни) тор ва кенг қиласидиган Оллоҳдир. Ва унга қайтарилажаксиз».**

**«Оллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиласидиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишга ишора қилинмоқда.) Оллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Оллоҳ (фазлу қарами) кенг, билгувчиидир. Молларини Оллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуғ ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар».**

«Садақаи жория» доимо нафи тегиб турадиган садақа бўлиб, Ислом динида унга катта аҳамият қаратилади. Вақфнинг бошқа садақалардан фарқли жихатлари бор. Вақф хайриясининг манфаати, савоби доимий туради.

Шу маънода Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан қуйидаги ҳадис ривоят қилинган: «**Инсон вафот этса амали узилади. Лекин уч нарса туфайли унга савоб бориб туради: садақаи жория, манфаати тегадиган илм, ҳаққига дуо қиласидиган солиҳ фарзанд**».

## ХУЛОСА

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «Биз исломий қадриятлар ва мусулмон маданиятини муҳофаза қилишимиз лозим. ...Шу маънода бизнинг буюк аждодларимиз - Ислом дунёсининг мутафаккирлари ютуқлари, уларнинг жаҳон тамаддуни тараққиётiga қўшган мислсиз ҳиссаларини ўрганиш ва оммалаштириш ўта муҳим аҳамиятга эга», деб айтган эдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоя қилиш тизими ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. «Мехр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди, «Вақф» хайрия жамоат фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Саховат ва кўмак» жамғармаси, «Соғлом авлод учун» хукуматга карашли бўлмаган халқаро хайрия фонди, «Эзгу мақсад» халқаро хайрия жамоат фонди шулар жумласидандир.

Янги Ўзбекистонда Ислом дини ва унинг қадриятларига кенг эътибор қаратиб келинмоқда. Юрганнома томонидан илгари сурилган «Давлат – инсон учун» тамойилини амалга оширишда ушбу анъаналар инсонни ночорлик ва камбағаллик гирдобидан чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.
2. Муборакфурий, Сафиурраҳмон. Ар-Раҳиқул маҳтум (Муҳрланган жаннат шароби)/Сафиурраҳмон Муборакфурий; Нашрга тайёрловчи: Файзуллоҳ Лутфуллоҳ ўғли. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019. – 529 б.
3. Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). Т.: «Чўлпон» 1992 йил, 544-бет.
4. Куръони каримнинг машҳур суралари фазилатлари. Нашрга тайёрловчилар: Қурбонали Турсунов, Файзуллоҳ Лутфуллоҳ ўғли. – Тошкент: «Movarounnahr», 2015. – 464 б.